

«05» январ 2022 йил.

Хива шаҳар

"Хива – Полвон Газ" хусусий корхонаси (кейинги бандларда "Газ тулдирувчи"), Номидан, жамият Низомига асосан иш юритувчи директор Балтаев Э. А. бир томондан, (кейинги бандларда "Истеъмолчи") номидан, корхона Хива туман Бандликка кумаклашиш маркази Низомига асосан иш юритувчи раҳбари С.Уллийев. иккинчи томондан Ушбу шартномани туздилар.

I. Шартнома мазмуни

1.1. "Газ тулдирувчи" "Истеъмолчи" нинг автотранспортларини сикилган табиий газ билан тулдиришни, "Истеъмолчи" эса уз вақтида ҳисоб-китоб қилишни уз зиммасига оладилар

| Маҳсулот номи | Улчов бирлиги | Баҳоси | 1 –чорак | | | Жами суммаси |
|---|---------------|--------|----------|------|------|--------------|
| | | | 1-ой | 2-ой | 3-ой | |
| Газобаллонли а/м учун сикилган табиий газ | м3 | 2500 | 200 | 200 | 200 | 1500000 |

1.3. "Истеъмолчи" автотранспорти сикилган табиий газ билан тулдирилган кун газ тулдирилган сана ҳисобланади.

II. Ҳисоб-китоб тартиби

- 2.1. Шартноманинг умумий қиймати 1500000 (Бир миллион беш юз минг) сумни ташкил қилади.
- 2.2. Сикилган табиий газ 1 м.куб баҳоси ККС билан 2500 сум булиб, хом-ашелар, моддий бойликлар, екилги-энергетика ресурслари баҳоси узгарганда, ва Узбекистон Республикаси қонунлари, қарорлари ва норматив актларига асосан узгариши мумкин.
- 2.3. "Истеъмолчи" автотранспортларини сикилган табиий газ билан тулдириш "Газ тулдирувчи" нинг банкдаги ҳисоб рақамига 100% тулов утқазилгандан кейин, белгиланган шаклдаги таркатма жадвал (раздаточная ведомость) буйича амалга оширилади. Таркатма жадвал учун тулов алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

III. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

- 3.1. "Истеъмолчи" ГБУ (газобаллонли ускуна ГБО) билан жихозланган автотранспортларининг техник ҳолати ва техника хавфсизлиги, енгин хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.
- 3.2. "Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:
- ГБУ урнатилган автотранспортларни ва сикилган табиий газдан фойдаланиш тугрисидаги амалдаги тартиблар, техник ҳолатлар, курсатмалар ва қарорларини бажариш.
 - ГБУ ни ва автотранспортларини техник соз ҳолатда сақлаш.
 - Йул варақасида автотранспортнинг техник созлиги ҳақида белги қуйиш, баллонлар сони ва геометрик ҳажми тугрисида маълумотларни курсатиш;
 - Автотранспортни сикилган табиий газ билан тулдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш.
 - Баллонларнинг умумий сони ва геометрик ҳажми (+,-) 0,5 аниқликда автотранспорт техпаспортида (маҳсус вкладышь) езиб қуйиш.
- 3.3. "Газ тулдирувчи" ва "Истеъмолчи" сикилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул қилишни ой давомида бир маромда, бир кунлик уртача газ ҳажми миқдорида амалга оширадилар. "Истеъмолчи" сикилган табиий газни қабул қилиш буйича барча узгаришлар тугрисида "Газ тулдирувчи" ни олдиндан 15 кундан кечиктримай езма равишда еки телефонограмма орқали огоҳлантириши шарт. "Газ тулдирувчи" АГНКС да жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда "Истеъмолчи" ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 15 кун олдин огоҳлантиради.
- 3.4. "Газ тулдирувчи" мажбуриятлари:
- газ ускуналаридан тугри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-улчов асбобларини ва газни очиш-епиш арматуралари созлигини текширади.
 - "Истеъмолчи" ("Истеъмолчи" вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тулдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сикилган газ тулдириш тухтатил

IV. Сикилган газ хисоб-китоб тартиби

4.1. "Газ тулдирувчи" томонидан "Истеъмолчи" автотранспорти тулдирилган сикилган табиий газ хажми "Газ тулдирувчи" нинг улчов асбоблари оркали аникланади, "Узнефтегаз" МХК томонидан _____ йилда тасдиқланган _____ "Методики выполнения измерений расчета объема отпускаемого газа на АГНКС Рес.Уз." (Давстандарт да тасдиқланган (рег. _____ г.)) ва АГНКС да автотранспортларни сикилган табиий газ билан тулдиришда хажмни аниклаш жадвали".

V. Томонларнинг жавобгарлиги

- 5.1. Сикилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада курсатилган хажмдан ошган тақдирда қушимча шартнома тузилади.
- 5.2. Сикилган табиий газ учун туловларни амалга ошириш мақсадида "Истеъмолчи" мол-мулкни гаровга қуйиш, кафиллик мажбуриятлари, "Истеъмолчи" қарзи эвазига мол мулки билан хисоблашиши нотариус томонидан тақдирланган қушимча шартномалар тузиш оркали амалга оширилади.
- 5.3. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар хисобланадилар.
- 5.4. Ўзбекистон Республикаси Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги қонунининг 32-моддасига асосан етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида туламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига утказиб юборилган ҳар-бир кун учун кечиктирилган тулов суммасини 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасини 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди

VI. Форс мажор

- 6.1. "Газ тулдирувчи" ва "Истеъмолчи" қуйидаги ҳолатларда газ тулдириш ва қабул қилиш хажмини қамайтирганлиги учун жавобгар хисобланмайди:
- А) газ қазиб чиқариш қонларида, магистрал газ қувурларида, шахар, туман газ тамокларида, электр тармоқларида қутилмаган авария ҳолатлари содир булганда;
- Б) магистрал газ қувурларида, шахар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида навбатдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар утқазилганда ва пайвандлаш ишлари даврида.

VII. Шартнома муддати

- 7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан қучга қиради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.
- 7.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Газ тулдирувчи" да, бир нусхаси "Истеъмолчи" да сақланади, ва бир хил аҳамиятга эга.
- Шартномада қуз тутилмаган ҳолатлар буйича саволларни томонлар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 30.01.1999 йилда руйхатга олинган № 613-сонли «Автомобилларга таркатма жадваллар буйича суюлтирилган газ ва сикилган табиий газ тулдириш», «Магистрал газ қувурлари оркали истеъмолчиларга газ етказиб бериш тартиби» ҳужжатлари ердамида ҳал қилиши мумкин.
- 7.3. Мазкур шартнома буйича низолар ҳужалик судида, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Томонлар ҳуқуқий манзиллари ва реквизитлари

"Газ тулдирувчи"

"Хива – Полвон Газ" х/корхонаси

р/с20208000804497702001

ОАТБ "Саноатқурилишбанк" Урганч шаҳар
МФО 00853

ИНН 205924502 ОКОНХ 71210
Адрес: Хива шаҳар Лолазор МФЙ

Телефон: 90-579-77-51

Директор:

Балтаев.Э.А.

"Истеъмолчи"

Хива туман Бандликка
қумаклашиш маркази

Шхр 100022860332267109120141001
Тошкент марказий банки
Х/Р234020000300100001010
МФО:00014
ИНН:202600623 ОКОНХ:
97600

Адрес: Хива шаҳар Буюк йул қучаси
№36

Тел: 375-62-08

Директор:

С.У.

Қўқуқилуш:

Д. Ҳобожонов